

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 24 OKTABR SESHANBA № 124 (26.674)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2000 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИГИШТИРИБ ОЛИШНИ ТУГАЛЛАШ ВА 2001 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЎТҚАЗИШГА ДОИР КЕЧИҚТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этади, жорий йилда пахта териш ва тайёрлашнинг паст суръатлари гузалар ўсишининг барча босқичларида уларни парвариш қилиш ағротехнологиясининг жиддий бузилишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқўжаликтаъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси ва уларнинг жойлардаги органларининг қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва пахта етиштиришининг илғор технологияларини жорий қилиш масалаларига эътиборини сусайтириб юборганликлари оқибатидир.

Бир қатор вилоятлар ва туманларнинг раҳбарлари баҳор давридаги қулай иқлим шароитларидан фойдаланмадилар, чигит экиш муддатларини қўзиб юбордилар, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида чигит экиш жорий йилнинг 10 майгача давом этди, бу чигит униб чиқишига салбий таъсир кўрсатди. Айнан шу вилоятларда гузанин бугун ўсиш даврида уни зарур даражада парвариш қилиш ташкил этилмади.

Кўпчилик ҳўжалиқлар ва туманларда Ҳукумат қарори билан тасдиқланган пахтани навлар бўйича жойлаштиришга риоя қилинмади. Тезлишар ва серходан ўлмаган ва маҳаллий шароитларга мослашмаган пахта навлари экилди. Гузаларни озиклантириш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар солиш нормалари кўпол равишда бузилди, сувдан оқилана фойдаланилмади, сув бошқа мақсадларга сарфланди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликлари Андижон вилояти ҳўжалиқлари жорий йилнинг мураккаб шароитларида сентябрь ойда белгиланган топириқни бажариш ва келгуси йил ҳосили учун ишларни авж олдириш имконини берган плёнка остида пахта етиштиришининг илғор Андижон технологиясини кенг жорий этилишини таъминладилар.

«Ўқимёнаот» уюшмаси корхоналари ва ташкилотлари полиэтилен плёнкаларни ишлаб чиқаришни зарур даражада ташкил этилмади, ҳўжалиқларга минерал ўғитларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминладилар.

Қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланишни ташкил этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. «Ўзқишлоқўжаликтаъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси ҳўжалиқларга зарур эҳтиёт қисмлар ва тузатиш материаллари ўз вақтида етказиб берилишини, техниканинг дала ишлари мусаммага сифатли тайёрлигини таъминламади.

2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллашга барча ресурсларни сафарбар қилиш ва 2001 йил ҳосили учун зарур ағротехника чора-тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари (Андижон вилоятидан ташқари), Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқўжаликтаъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси, «Ўқимёнаот» уюшмаси раҳбарларининг жорий йилдаги пахта етиштириш ва уни йиғиштириб олишга доир ишлари қонқарсиз деб ҳисобланган.

Жиззах (Мирзиёев), Бухоро (Хусенов), Навоий (Дилов), Самарқанд (Рўзиёв), Сурхондарё (Олимжонов) ва Сирдарё (Исроилов) вилоятлари ҳокимликларига пахта етиштириш талабларига қатъий риоя қилиниши учун қишлоқ ҳўжалиги органлари ва ҳўжалиқлар раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан зарур талабчанлиқнинг йўқлиги, пахта йиғим-терими қонқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига:

ҳўжалиқлар, қишлоқ ҳўжалиги бошқаруви органларининг жорий йилда қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосили етиштиришининг барча босқичларидаги ишларини танқидий ўрганиб чиқсинлар, 2000 йилда йўл қўйилган бузилишлар ва хатоларга бундан буён йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 79-сон қарори билан тасдиқланган пахтани навлар бўйича жойлаштиришни бузган ҳўжалиқлар ва туманлар раҳбарларининг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсинлар ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН - БМТ: ҲАМКОРЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНДИ


— Шу йил 24 октябрь куни бутун жаҳон жамоатчилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганлигининг 55 йиллик юбилейини нишонлайди. 1945 йил 26 июнь куни имзоланган БМТ Устави айнан мана шу кундан бошлаб кучга кирган.

XXI аср бўсағасида бизнинг халқро ташкилотимиз ислохотлар даврини бошдан кечирмоқда. Хабарингиз бор, Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислам Каримов яқинда Нью-Йоркда бўлиб ўтган «Мингйиллик саммити»да ушбу мавзуга тўхталиб, БМТ хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлаган эди.

Энди БМТнинг Ўзбекистондаги вазифалари тўғрисида икки оғиз. Мамлакатингиз олдида турган иккита муҳим муаммо бор. Булардан бири — Ўзбекистонда ва умуман Марказий Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш. Бу терроризм ҳолатлари такрорланаётган ҳамда минтақа орқали наркотик моддалар транзитининг кучайганлиги муносабати билан мазкур вазифа кейинги йилларда алоҳида маъно касб этмоқда. Мамлакат учун иккинчи долзарб масала — Бу экология муаммосидир. Чунинчи, апроф-муҳитни ҳимоялаш масалалари, менинг фикримча, нафақат Ўзбекистонга тааллуқли, балки у минтақавий ва қолаверса, глобал маъно касб этади.

Афсуски, БМТ ҳали бу соҳаларда жиддий ёрдам бера олганича йўқ. Манбаларнинг чегараланганлиги боис бизнинг фаолиятимиз аниқ фойда келтириши мумкин бўлган йўналишларга асосий эътиборимизни қаратишга ҳаракат қилиш. Шунинг учун

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилган кун арафасида БМТ ва БМТ Тарқиқёт Дастурининг (БМТД) Ўзбекистондаги вакили Павел Крал ўз фикрларини билдиради



ҳам биз ҳозирча демократик институтлар тараққиёти ва бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича кўмаклашишга кўпроқ бел боғлаганмиз. Бу борада микрокредитлаш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича БМТД лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

БМТнинг бошқа агентликлари ҳам бу ерда ўз ваколатларига мувофиқ турли дастурларни амалга оширишмоқда. Узоқ муддатли лойиҳалардан ташқари, биз фавқулодда ҳолатларда ҳам ёрдам берамиз, масалан, Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги қурғоқчилик муаммосини ечишга кўмаклашдик. Ҳукумат бу борада ёрдам беришимизни сўраб мурожаат этгач, БМТ агентлиги мазкур муаммони ҳал этиш ишида четда турмади. Ўтган ҳафтада махсус миссия ўз ишини якунлади, ҳукумат ва хорижий

ҳомий ташкилотлар иштирокида «давра столи» ўтказилди. Бу билан бир қаторда шунга таъкидлашни истардимки, БМТ барча муаммоларни ечишга даъво қилмайди. Биз ўз имкониятларимизнинг чегараланганлигини биламиз, ҳусусан, сир эмаски, халқро ташкилотларнинг молиялаш қамрови йил сайин қисқариб бормоқда.

Ўзбекистонда ишлаётган барча БМТ агентликлари аллақачон кейинги 2-5 йиллик фаолият дастурларини тасдиқлаб олишди. БМТД ҳақида гапирадиган бўлсак, биз микрокредитлаш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларимизни давом эттирамиз. Илгаригидек фақат пойтахтда қолиб кетмасдан, Ўзбекистоннинг минтақаларида янада фаолроқ иш олиб бориш ниятидамыз.

Айни пайтда келажакдаги

фаолият дастуримиз унчалик катта эмас. Бу дастур манбаларнинг чегараланганлиги ҳисобга олиниб ва хорижий ҳомийларнинг молиявий ёрдамларига тобе ҳолатда тузилган. Эътибор талаб этувчи масалалардан бири — бу ёшлар учун иш жойларини ташкил этишдир. Биламизки, мазкур муаммо мамлакатнинг кўплаб минтақалари учун долзарб ҳисобланади ва биз ҳукуматга мазкур соҳада кўмаклашишга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатингизга келган пайтимидаги илк таассуротларим ҳақида гапирадиган бўлсам, улар ҳозир ўзгарган. Мен илгаригига нисбатан ҳаётга реалроқ қарайман: Ўзбекистонни, унинг талабларини ва имкониятларини яхшироқ аниқлайдим.

Мени айнан республикангизга ишлаган жўнатишгандан мамнунман.

МДҲда, балки Москва ва Петербургдан ташқари, хорижий сайёҳлар учун қизиқарли бўлган жойлар унчалик кўп эмас. Бу маънода Ўзбекистон бошқа собиқ Иттифок республикаларидан фойдали томонга ажралиб туради. Бу ерда бошқаларни ҳайратга солиш имконияти бор. Булар биринчи навбатда қадим тарихий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро ва Хива. Бундан ташқари барча соҳаларда акс этувчи маданий кўпқирраллик ҳам кишини ўзига жалб этади. Менинг фикримча, ушбу омиллар Ўзбекистонга кўп сонли сайёҳларни жалб этишда ижобий роль ўйнаши мумкин.

■ **Сергей ҚҮРБОНОВ, Берурий АЛИМОВ, «Жаҳон» АА муҳбирлари**

ПАРВОЗЛАР ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЯДИ



Ўзбек ҳаво кемаларининг парвозлар географияси яна биттага ошадиган бўлди. Тошкентда Люксембург ва Ўзбекистон ўртасида ҳаво қатновлари тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Европанинг марказида жойлашган мазкур мамлакат билан тез орада бошланадиган қатновлар юк ва йўловчилар ташини учун кенг имкониятлар очади. Зеро, янги ҳаво кўприги ҳар икки томон учун қулай ва манфатли. Чунинчи, миллий авиакомпаниямиз ана шу йўналишда ярим соат вақт ютади. Бу эса янгилик ва маблаг тежашга, самолётлардан кўпроқ фойдаланишга имкон беради.

— Биз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг имкониятларини ва техникавий жиҳозланганлигини сиқиқлаб ўрганиб чиқдик — деди Люксембург делегациясининг раҳбари, транспорт вазирлик департаментининг директори Чарльз Клейн. — Унинг нуфузи ва ишончли ҳамкор эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳаво кўприги Тошкент орқали Жануби-Шарқий Осиё давлатларига қатновларни амалга оширишимиз учун кенг истиқболлар очади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**


МАЛАЙЗИЯ КИНО ҲАФТАЛИГИ

26-31 октябрь кунлари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи санъат саройида Малайзия кино ҳафталиги бўлиб ўтади.

Ҳафта ичида Малайзия кино усталарининг халқро киноанжуманларда турли совинларни кўлга келтирган энг яхши уч асар — «Жаҳон» («Голди»), «Букет Кепонг» («Кепонг гулдастаси») ҳамда «Бара» («Аланга») деб номланган бадий фильмлари намойиш қилинади. Уларда Малайзия халқининг бугунги ҳаёти, қувонч ташвишлари ҳақида киноя қилинади.

1992 йили мамлакатимизда Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари кинофильмлари фестивали бўлиб ўтган эди. Ана шу тадбирда Малайзия кинорежиссёрлари ҳам ўз асарлари билан иштирок этган.

ФАРҒОНА КАТТА ТЎЙ ОЛДИДА



Фарғона вилоятида Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллик юбилейига тайёрларлик қизғин паллага кирган. Марғион шаҳар истироҳат боғида оламга донг таратган ҳамюртимиз ёдгорлик мажмуи барпо

этилмоқда. Марғиноний таваллуд топган Ритшон шаҳридаги улакан боғида ҳам алломанинг мухташам музейи қад ростламоқда. Юбилей муносабати билан шаҳар истироҳат боғи янада кенгайтирилади. Марғиноний номидаги кўча янада кенгайди ва раволаштирилди.

Юбилей муносабати билан шаҳарда кенг қуламли таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Суратларда. Бурҳониддин ал-Марғиноний майдонидаги қурилиш ишларининг лавҳа. Барпо этилаётган Аллома ёдгорлик мажмуи. Мармар устаси Сиддик Кўчқоров иш устида.

■ **Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар**

ЎҚЎРҒОНЛИКЛАР МАРРАДА

Ўқўрғон тумани ҳам Наманган вилоятида олдингилар қаторида пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарди — 37150 тонна «оқ олтин» ҳада этилди. 151 та деҳқон-фермерлар, «Янгиобод», «Кўғай», «Яшиқобод», «Мустақилликнинг 7 йиллиги» ширкат ҳўжалиқлари режани бажаришда баракали ҳисса қўшдилар. Турсунбой Мўминов, Фозилжон Мадаминов каби бош пудратчиларнинг жамоалари 42-55 центнердан ҳосил олиб, туманда донг таратишди. Туманда яна 3000 тонна пахта тайёрлаш йўлида меҳнат қилинмоқда.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасидан Тоҳир Юлдошев, Жумабой Ҳоджиев, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солих), Миродилла Қазиев, Уллубек Бобоқонов, Хамиджон Раҳмонов, Юлдош Умаров, Нажмиддин Жалолов, Шовкат Каримов, Уллубек Махмудов, Олимжон Абдулвоҳидов ва Усмон Шукроровларга нисбатан айблов хулосаси билан келиб тушган жиноят ишини суд мажлисида кўришни бошлашни 2000 йил 30 октябрь кунига тайинлади.

Судлов ҳайъатининг ушбу жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги ахримда суд мажлисида ҳозир бўлган судланувчиларни ҳимоя ҳуқуқларидан тўла фойдаланишини таъминлаш қайд этилди. Суд мажлисида жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (См-бурдман), жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда жабрланувчиларнинг ақилларини таклиф этишга қарор қилинди.

Ушбу жиноят иши бўйича тергов органлари томонидан айбланувчи тариқасида жалб этилган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамият ва давлат учун ўта авфали эканлигини ҳисобга олиб ҳамда халқимиз тинчлиги ва оқилолтигини сақлаш, бегуноҳ кишилар қурбон бўлишининг олдини олиш мақсадида ЖПКнинг 410-моддага нисбатан қўрилган қўриқиб олиш, суд мажлисида сабабосиз келмаган судланувчиларга нисбатан ҳам суд мажлисини бошлаб, уни давом эттириш лозим деб топилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Матбуот хизмати**

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121
«Осиё бозори» — 174

ОЛИМПИАЧИЛАР ҲАКИДА ХИКОЯЛАР

ФАЗИЛАТ

У Тошкентда шунча йил яшаб, ишлаб пойтахт сайилгоҳларида айтарли бўлмади. Илмий иш, ишлаш имкон бермайди. Ҳар қаққани нанमत деб гоҳ кутубхонага, гоҳ лабораторияга чопади, турли тадбирларда иштирок этиб мулоқотларга фаиз киритди. Эртага бироз вақти бор. Бир шаҳар айланамми?

Ҳажонтир ширин ораулар оғушида сармат бўлиб турган эди, Андижондан ноҳуш хабар келди. Ён аксин кишиши вафот этибди. Жанозасига этиб бориши керак. Қабрга ўзи қўяди. Бўлмаса, эл-юрт, маҳалла қўйиб, қариношлари олдидан уят бўлади.

Ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа, деб шуни айтадилар-да. У аэропортга шошилиди. Ўчакнишгадй Андижонга учадиган самолётга йўловчилар чиқарила бошлаган экан. Аэропорт хизматчилари бошига мусибат тушган йигитнинг жонига аро қирмоқчи бўлишди. Ҳамлар деб бўлиб бўш жой ахтаришди. Кимдир келмай қолса, ўрнига учиб юбориш йўлини танишди. Аксинга олдандай жойларнинг ҳаммасини йўловчилар эгаллади.

— Яна бир иложини қилиб қўраман, — дейишди улар.

Йўловчилар билан лифтула самолёт салонидан стюардесса қизнинг қўнироқдай овози жаранглади: — Дикқат, ҳурматли

йўловчилар! Андижонлик бир киши қадронининг дафни маросимига кеч қолган экан. Бирортанлар жойларининг беришлар, кейинги рейсда учиб юборишга кафолат берамиз.

Ҳажон бозоридагидек қаласовур бўлиб турган самолёт салонини сув сепгандай босилди. Ҳамма жим. Баъзилари ён-атрофта қарайди, бошқаларининг боши эгик, гўё ҳозиргина айтилган эълонни эшитмагандай. Бамайлихотирлик. Дунёни сув босса тўшинга чиқмайди. Тани бошқа дард билмас, деганлари шумикан?.. Йўқ, сукунатни, пашша учса билан диган соқинликни орқа ўриндиқларинг бирида ўтирган кўрмак, кўраклари, билалари бўртиб кетган, қомаддор, келишган гавдани йигитнинг овози бўзди: — Менинг ўринида кета қолсин.



— Игит тез, худди рингга шошилатган боксчидай шаҳдам қадам ташлаб самолётни тарк эти. Шу пайт кимдир уни таниб қолди. — Ие, Руслан Чагаев-ку. — Бокс бўйича ҳажон чемпионими? — Ҳа, ўша!

— Автосалонимизга бир келиб кетсанлар, — қўнироқ қилишди «Автотехизмат» хизматдорлик жамиятидан. — Ёққани сизларники. Чарм қўлақон усталари Мухаммадқодир Абдуллаев ва ўткирбек Ҳайдаровлар «ЎзДЭ-Уавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган енгил машиналарга ҳавас билан боқишди, ранглар билан қизиқишди. — Ҳўш, ёққими, қайси бирини берайлик. Чемпион ҳажонларнинг машинани билан сўйламоқчимиз, — дейишди улар. — Биға-ку ёқди, — деди Мухаммадқодир. — Аммо... — Нима аммо? Аммоси йўқ! Мана калит! Игитлар ўйланиб қолди. Ҳаёла боришди. «Мана буни

Баъзилар бу гапни ким айтди, деб ён-атрофта ўтирилдилар. Айримлари эса бошларини ҳам қилиб ўтирвердилар.

— Ҳўш?.. — Гап бундай, — деди ўткирбек. — Биз ўз-ўзидан чемпион бўлиб қолганимиз йўқ. Тренерларимиз, устозларимизнинг меҳнатлари бор.

ШОГИРДЛАР

Мухаммадқодир бокс бўйича ҳажон чемпиони бўлиб дўстлари билан Андижонга қайтишганда табриклар уммонига кўмилиб кетинди: кўтовлар тиммас, буниг устига учрашувлар, тадбирларнинг кети узилмасди. Ўзбекистонни бутун дунёга қўз-қўзлаган, Андижон деган мўжаз вилоятнинг номини эларо танитган йигитлар ҳар қанча иззат-иҳромга, шарафга лойиқ эди. Эҳтиромлар орасида чемпионларни қимматбахо совғалар билан сўйланиши одавий ҳод бўлиб қолди. Уй-жой, яшаш, турмуш шароитларини яхшилаш долзарб юмушга айланди.

Шунга... — Ҳа, устозларимизни ҳам машиналик қилсанлар, кейин оламиз, — гапни чўрт кесди Мухаммадқодир. Улар шу кунг қайтиб кетишди. Автосалондагилар эса мураббийлари ҳурматини шу қадар улуклаган чемпионларга бирор нарса дейишга тили бормади. Уларнинг мардиги ва танглиги олдидан лол эдилар.

Бир неча кундан сўнг бокс мухлисари чемпионларни мураббийлари билан кетма-кет, қаторлашиб машина ҳайдаб кетаётганини кўришди. Қўришди-ю, шоғирдлар эйтиқонига қойил қолдилар.

Муҳимжон НИЁЗОВ



— Муҳимжон Ниёзов

СЎЗ ВА СУРАТ

Сен қўларинг билан кўрсатаётган сўз — ОНА сўзидир. Кейингиси эса — ВАТАН. Иккаласини алоҳида ўқиб бўлмайди. Улар битта сўз — ОНА-ВАТАН. Илк сабоқни ўз юртининг севишдан, уни эъозлаб, қалбига жо этишдан бошлаганиг муборак бўлсин, болажон!



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

РУҲИЙ УЧҚУН АЛАНГАСИ

Инсон умри — қўз очиб-қомғунча ўтуви бир лаҳза. У асосан йўқотганини топишга, ўзда бор бўлган туйғулардан ташқари яна ниманидир излашга бахш этади умрини. Инсон — улкан тилсим. Ундаги руҳий ўзгаришлар дунёни эса ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Биз асосан ҳақиқатнинг атрофида баҳс юритаемиз. Унга олиб борилган йўлларни эса гуноҳларимиз билан ўраб ташлаймиз. Лекин ҳақиқатга ташналик бизни бир зум ҳам тарк этмайди. Бу аслида самимий соғинч эмас, истак, манфаат. Юрак соғинччи ўлдир олди. Лекин истак бизни ҳеч қачон тарк этмайди. Куч топа олмаймиз ўзимизда. Ҳаммаша хоҳишнинг қулга айланиб қолаверамиз.

«Масалан, битта нонни олиб, орканга яшир-ла, ҳеч қачон ҳеч кимга бермайман ҳам, кўрсатмайман ҳам!» — деб айтиб кўр. Сен хасислик қилганинг сайин одамлар нонга гушна бўлишади. Ялиниб-ёлборишга, таъқиб этишга, ҳақорат қилишга тушадилар. Демак, ҳақиқатдан истак устун келади. Унинг измида бўлсанг, оловга-ла ташланаверасан. Қўларинг куйганига қарамасдан модният томон интилсан. Ўз фалсафанг ила қилмишларингни хаспўшлайсан.

Инсон руҳияти — мураккаб жараён. У ҳамнарсани, бутун тирикликни ўз хоҳиши ила назорат қилиш, бошқаришга

«Сен хотинга бошқалардан

БОШ МУҲАРРИР АЗИМ СУЮН ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Лашина СУЛТОНОВА
Алишкул СУЛТОНОВ
Андрей ОРЛОВ
Бахтияр ҲАМИДОВ
Валерий ЛАБАРШНИХ

МУАССИС:
УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
БЎЛИМЛАР:
Сайт ва хужж — 133-76-04
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулistonда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаришда — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

«АЛПОМИШ» ФИЛЬМИ ТАҚДИМОТИ СУРҲОНДАРЁДА
Утган йили ўзбек халқининг буюк эпоси «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йилгига бутун мамлакатимизда, ҳусусан, Сурхондарёда ҳам тантанали равишда нишонланган. Шу муносабат билан достон асосида янгиланган фильм асарлари, кинофильмлар, шеърлар эриштирилди, мақолалар эъланди. Ўзбекистон халқ шоири Уммон Азим сценарий асосида режиссёр Ҳабибулла Файёзов томонидан сурат олинган икки қисмдан иборат «Алпомиш» бадий фильми шулар жумласидир. Шуниси диққатга сазоворки, фильмдаги асосий — Алпомиш ролини ҳамюртларимиз, танкичи қарақчи Азамат Қаландаров, Тойқашка ролини эса вилоят театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳим Маматалиев ижро этишган. Бу фильм 1999 йилда яратилган энг яхши фильм сифатида махсус соҳибига сазовор бўлди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навбатчи Фаррух ҲАМРОЕВ
Саҳифа олдидан Сабир ФАЙЁЛОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41-уй.

«ОБУНАЛОТО» — 2001

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетанда чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки қиши жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, почта алоқа бўлимига ёки жоматчи матбуот тарқатувчиларига топширади. Почта алоқа бўлимидаги маъсул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўриликка ишонч ҳосил қилган, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўмдан ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражидан қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 15 декабрда ўтказилади. Тираж комиссияси курси ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетанда эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охири олтидаси газетанди рақамга солиштириб қўрилади. Агар улар бир-бирига мос келса — ЮТУҚ ЧИҚҚАН ҲИСОБЛанади. Шунингдек, охири олти рақамнинг беш, тўрт рақами мос келса ҳам тегишчанча ютуқ бериллади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетанда ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг дастлабки олти рақами — 664943 га ютуқ йўқ, кейинги олти рақами эса ютуқ рақами мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқча — «Ўзбекистон овози», «Голос Ўзбекистана» газеталаридан бирига 1 йил бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 6 ой, тўрт рақамни (8754) топганлар — 3 ой ушбу газеталардан бирини («Ўзбекистон овози») бепул олиб турадилар. Охириги уч рақамни (754) тўриги келганларга эса тираж комиссияси имкониятига қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан чиптангизни ташлаб юборишга шошилманг. Омадли мухлисларга чиптадаги ўн икки рақамнинг дастлабки олтидаси ҳам, охириги олтидаси ҳам ютуқ рақамига мос келиши мумкин. Бундайларга СУПЕРЮТУҚ насиб этади ва улар бир йўла «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Ўзбекистана» газеталарига текин обуна бўладилар.

Forms for subscription forms with fields for name, address, and a grid for marking numbers.

Subscription form for 'Obunaloto' with fields for name, address, and a grid for marking numbers.

Subscription form for 'Obunaloto' with fields for name, address, and a grid for marking numbers.

ШАМОЛЛИ ҲУДУД

Арносай туманига йўлигиз тўчиб Исоқ Аввалбоев деган йигитни танйисизми, деб сўрасангиз, «Олтин водий» фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси бўлиб ишлаган Исоқжонни айтаяписизми! Албатта, танйисизми-да, — дея гурурланиб жавоб беришади. Исоқ Аввалбоев қолоқ «Наманган» хўжалиғига раис этиб тайинланганда ёш, навқирон йигит эди. Экин майдонларини қайтадан тузиб, ариқ-зовурларни тозалатди. Ерга минерал озуқаларни бериб, яхшилаб ҳайдатди. Қадрларни жой-жойига қўйиб, иш талаб қилди. Ғалвирни сувдан кўтарганда хўжалик мўмайгина даромад қилди.

«Наманган» ва «Олтин водий» хўжалиқларида раҳбар бўлиб ишлаган Исоқ ака ҳаётини Арносай ерларини ўзлаштиришга бағишлаган. Айнқаса, у туманининг шамолли худудида уруғни қачон экишу экинни қандай парварши қилиш, қачон суғоришни беш қўлдек яхши билади. — «Наманган» хўжалиғида ҳам, ҳозирда ўзи бош бўлган «Олтин водий»да ҳам қисқа вақтда одамлар ўртасида хурмат топди, — дейди фермер Берикбой Содиқов.

Умридан барака топсин, ҳеч биримиздан ёрдами, билимини аямайди, — дея бу сўхбатга аралашди фермер Қаҳҳор Қўшбоқов.

Янгибой ЖАЛОЛОВ

«АЛПОМИШ» ФИЛЬМИ ТАҚДИМОТИ СУРҲОНДАРЁДА

Утган йили ўзбек халқининг буюк эпоси «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йилгига бутун мамлакатимизда, ҳусусан, Сурхондарёда ҳам тантанали равишда нишонланган. Шу муносабат билан достон асосида янгиланган фильм асарлари, кинофильмлар, шеърлар эриштирилди, мақолалар эъланди. Ўзбекистон халқ шоири Уммон Азим сценарий асосида режиссёр Ҳабибулла Файёзов томонидан сурат олинган икки қисмдан иборат «Алпомиш» бадий фильми шулар жумласидир. Шуниси диққатга сазоворки, фильмдаги асосий — Алпомиш ролини ҳамюртларимиз, танкичи қарақчи Азамат Қаландаров, Тойқашка ролини эса вилоят театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳим Маматалиев ижро этишган. Бу фильм 1999 йилда яратилган энг яхши фильм сифатида махсус соҳибига сазовор бўлди.

Яқинда Термиз шаҳридаги «Бохор» кинотеатрида «Алпомиш» фильми тақдимоти бўлди. Бу тадбирда «Ўзбекистон» давлат акциядорлик компанияси раиси Темирмалик Юнусов, фильм режиссёри Ҳабибулла Файёзов, сценарий муаллифи Уммон Азим, фильмда роль ўйнаган артист Раҳим Маматалиев ва бошқалар ҳозир бўлишди. Вилоят ҳокими Бахтияр Олимжонов фильм яратувчиларига миллий урф-одатимизга мувофиқ тўн ва дўпни кийгизиб, белбоғ болади. Шундан сўнг «Алпомиш» бадий фильмини намойиш этилди. У барчада катта таассурот қолдирди.

Абдурусул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» муҳбири